

«Бизнинг олдимизда учта йўл бор: ё ўлим, ё қамоқ, ёки чет элга чиқиб кетиш»

15:54 / 24.04.2016 3204

САВОЛ: «Бизнинг олдимизда учта йўл бор: ё ўлим, ё қамоқ, ёки чет элга чиқиб кетиш» деб эътиқод қиладиган ва тасаввуфни инкор этадиганлар қайси дийний оқимга тегишли. Улар ваҳҳобийми, агар ваҳҳобий бўлса, нима учун ўзларини ваҳҳобиймиз деб аташмайди. Улар шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳам ваҳҳобий дея иддао этадилар, шунга нима дейсиз?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бундай одамларни «бетайинлар» ва «нима деганини ўзи билмайдиганлар» десак, адашмаган бўламиз, деб умид қиламан. Улар жоҳил кишилар бўлиб, дийнимизга зарар етказишдан бошқа иш қўлларидан келмайди. Улардан ҳазир бўлиш ва уларга қарши курашиш керак.

Мен Аҳли сунна ва жамоа эътиқодидаги ва Ҳанафий мазҳабидаги оддий бир мусулмонман, алҳамдулиллаҳ. Агар сиз сўз юритаётган одамлар менинг ҳақимда мазкур сўзларни айтган бўлсалар, тухмат қилибдилар. Тухмат эса, гуноҳи кабийрадир. Бу гуноҳни тухматга қолган банда кечирмагунча, Аллоҳ таоло кечирмайди. Мазкур шахслар одамларнинг бошини айлантириш ўрнига, ҳеч бўлмаса, гуноҳи кабийра нималигини, бировга тухмат қилишнинг оқибати жуда ҳам оғир эканини билиб олсалар, яхши бўлар эди. Аллоҳ таоло адаштирмасин! Валлоҳу аълам